

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Андижон қишлоқ хўжалик институти

Реферат

**Мавзу: Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий
корпорацияларнинг ўрни**

Бажарди: Қишлоқ хўжалигида менежмент факультети
Иқтисодиёт таълим йўналиши 3-босқич талабаси
Саримсақов Исломбек

Қабул қилди: и.ф.н., катта ўқитувчи З.Исраилов

Андижон-2016

Жаҳон иқтисодиётида транс миллий корпарацияларнинг тутган ўрни.

Режа:

- 1. Транс миллий корпарациялар ҳақида тушунча.**
- 2. Транс миллий корпарацияларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти.**
- 3. Транс миллий корпарацияларнинг рақобат устунлиги.**
- 4. Хулоса.**

Транс миллий корпорациялар ҳақида тушунча.

Жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос «умуртка поғонаси» бўлган замонавий ТМКларнинг характерли белгилари куйидагилар ҳисобланади:

- *Ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятининг катта қисмини бош штаб-квартира жойлашган мамлакат иқтисодий макони чегарасидан ташқарига олиб чиқиш;*

- *Турли давлатларда шахобчалар, шўъба ва ассоциацияланган компанияларнинг катта тармоғини шакллантириш;*

- *Иқтисодий фаолиятни самарали башоратлаш ва режалаштириш шароитида ташқи ва ички инвестицион оқимларни бошқариш;*

- *Капиталлар, ишчи кучи, ахборот трансферининг фирма ичкарисидаги каналларининг кўплиги.*

Ишлаб чиқариш қувватларини ва сервис марказларини жаҳоннинг турли худудларига бўлиб-бўлиб жойлаштириш (диверсификациялаш) бундай корпорацияларга халқаро меҳнат тақсимоти шартлари ва ички миллий бозор хусусиятларидан келиб чиқувчи устунликлардан фойдаланиш ҳисобига катта даромад олиш имкониятини беради.

Миллий компанияни халқаро компанияга айланишига конкрет мисол сифатида «Электролюкс» гуруҳини келтириш мумкин. «Электролюкс» электр ускуналари ишлаб чиқиш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи икки швед фирмасининг қўшилиш билан 1912 йилда ташкил этилган. 50-йилларда бу компания аввал Швецияда, сўнгра бошқа Скандинавия мамлакатларида ҳам етакчи мавқега эга бўлди. Тайёрланаётган маҳсулотлар номенклатурасини узлуксиз кенгайтириб борган ҳолда компания Фарбий Европада савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини яратишга киришди. 80-йилларда «Электролюкс» ўз тузилмасига АКШнинг («Уайт Консолидейтид» электр ускуналари ишлаб чиқириш бўйича мамлакатда 3-ўринда турарди), Германиянинг («АЕГ»), Италиянинг («Занусси») каби бир неча йирик компанияларини қўшиб олди. Ҳозирги пайтда жаҳоннинг 75 мамлакатада унинг бўлимлари мавжуд, бу ТМКнинг персонали 110 минг кишидан ортиқ, йиллик айланмаси 16 млрд. долл.дан ошади.

ТМКнинг намунавий тузилмасини *бош компания* (ушбу мамлакатда рўйхатдан ўтган корпорациянинг бош штаб-квартираси ва бошқа давлатларда жойлашган *шахобчалар, шўъба ва ассоциациялашган компаниялар* тизими. Кўпинча ТМК тузилмасига *молия-кредит муассасалари* (банклар, инвестиция фондлари ва сугурта компаниялари) ҳам киритилиш мумкин. Бундан ташқари, йирик халқаро корпорациялар одатда ўзининг муҳофаза хизмати, кадрлар тренинги, транспорт ва бошқа хизматларига эга бўлишади.

Шахобчаларнинг шўъба корхоналардан фарқи шундаки, улар ўз баланси ва иқтисодий мустақилликка эга эмас. Ассоциациялашган компанияларга келсак, улар бош компания томонидан одатда шартнома муносабатлари тизими (пудрат, траст кабилар) орқали назорат қилинади.

ТМК кўринишлари танланган мезонга боғлиқ равишда турлича синфланади. Энг кенг тарқалган аломат – халқаро корпорациянинг бош тузилмаси Низом фондидаги капитал улушини белгиловчи миллий мансублик белгиси ҳисобланади. Бу ҳолатда қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- *мономиллий* компаниялар (миллий компания, масалан — Швейцариядаги "Нестле" концерни);
- *мультимиллий* компаниялар (байналмилал компания, масалан — инглиз-голланд "Ройял Датч Шелл" корпорацияси);
- *консорциумлар* (узук муддатли капитал сиғимли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бир неча корпорациялар активларининг бир қисмини вақтинчалик мақсадга йўналтирилган бирлаштириш).

Жаҳон иқтисодиёти қайд этилган гуруҳларнинг солиштирма оғирлиги доимо ўзгариб туради. 70-йилларда мономиллий ТМКлар кўпчиликини ташкил этган бўлса, 80-йилларга келиб консорциумлар пайдо бўлди. Сўнгги ўн йил ичида рақобат курашининг кучайиши ва глобал бозорлардаги инкирозли вазиятлар туфайли миллий компаниялар бир-бири билан қўшилиб, мультимиллий ТМКларга айланди.

Транс миллий корпорацияларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти.

Трансмиллий корпорацияларнинг пайдо бўлиши XX асрнинг бошларида АҚШ компанияларининг ташқи иқтисодий экспансияси натижасида келиб чиққан. 1939 йилда мутахассислар тахминан 300та инглиз, америка, француз, герман ва япон ТМКлари борлигини ҳисоблашган. 1985 йилда уларнинг сони 12мингга етган бўлса, ҳозирги кунга келиб дунёнинг 150 мамлакатида 270 минг шахобча ва шўъба компанияларига эга 40 минг бош компания мавжуд деб баҳоланмоқда.

ТМКлар ҳиссасига тўғри инвестицияларнинг 90 фоизи, янги техникага патент ва лицензияларнинг 80 фоизи, ташқи савдо айланмасининг 63 фоизи ва жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг тахминан 40–50 фоизи тўғри келади.

Бугунги кунда ТМКларнинг ягона умумқабул қилинган таърифи йўқ. Уларни турли хил номлаш учрайди: корпорация, компания, корхона, фирма деб аташади ва бунда аниқловчи сифатида транснационал, кўпмиллатли, интернационал ва глобал каби сўзлар ишлатилади. Замонавий ТМКларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, уларнинг келиб чиқиш жойи эмас, балки фаолият кўрсатиш жойи ҳисобланади. 1950 йилларда ТМК деганда камида 2та хорижий давлатда филиалига эга ва йиллик савдо айланмаси 100млн АҚШ долларидан кам бўлмаган компанияга айтилган. 90– йилларга келганда эса ЮНКТАД ҳужжатларида *«транснационал корпорация — бу акционерлик ёки хусусий компания бўлиб бўлиб, у бош компания ва унинг филиалларини ўз ичига олади деб таъриф берилади.* Бунда ТМК категориясига икки ёки ундан ортиқ мамлакатда ўзининг филиалига эга бўлган барча компаниялар кириб кетадилар. ТМКларнинг шакллари:

1. Мультинационал компания — дунёнинг турли хил мамлакатларида ўзининг бўлинмалирига эга компания бўлиб, улар ўзининг бизнес стратегиясини маҳаллий бозор хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ташкил этади.

2. Глобал компания — бу компания, дунёнинг ҳамма минтақаларидаги фаолиятини бир хил стандарт асосида ташкил этишга ҳаракат қилади.

3. Халқаро компания — бу компания ҳам мултинационал ҳам

глобал компанияларга тегишли бўлиб ҳисобланади.

БМТ ва айрим ривожланаётган давлатлар ҳукуматлари транснационал атамасини ишлатадилар, бунда улар компания бир нечта мамлакатда бизнес юритишини эътиборга оладилар. Тадбирокрлар эса транснационал компанияни кўшилиб кетиш натижасида юзага келган компания сифатида кўрадилар - бинационал. БМТ таърифига кўра, супернационал компания – бу шундай компанияки, унинг операциялари ва мулки кўп миллатли таркиибга эга. Японлар эса «docha-kuka», атамасини ишлатишни таклиф қиладилар, бунда улар глобал локализацияга ургу берадилар. Яъни, экспорт қилинган техника маҳаллий шароитга мослаштирилади.

Кўпинча ТМКларни учта гуруҳга бўладилар:

- Горизонтал интеграциялашган ТМК — бир хил товарларни ишлаб чиқарувчи турли мамлакатларда жойлашган бўлинмаларни бошқаради;

- Вертикал интеграциялашган ТМК — бошқа мамлакатларда жойлашган бўлинмалар етказиб берадиган ярим фабрикатлар асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи турли давлатларда жойлашган бўлинмаларни бошқаради.

Бўлинган ТМК — турли хил мамлакатларда жойлашган ҳамда вертикал ва горизонтал интеграциялашган бўлинмаларни бошқаради.

Юқорида келтирилган ТМКнинг таърифига кўра, 2000 йилга келиб дунёда 63 минг дона ТМК борлиги қайд қилинган. Уларнинг 690 минг тадан ортиқ филиали бор бўлган. ТМКлар ўтган асрнинг 80-йилларини охирига келиб жаҳон бозорини хом ашё, товарлар ва хизматлар билан таъминловчи асосий корхоналарга айланганлар. Американинг ишбилармонлар журнали Forbes 2010 яқунларига кўра дунёдаги 2мингта энг йирик ТМКлар рейтингини эълон қилган. Ушбу рейтингда дунёдаги 62та мамлакатдан ТМКлар келтирилган. Шундан, 515та компания - АҚШдан, 210та - Япониядан, 113та - Хитойдан, 56та - Хиндистондан, 62та - Канададан.

Энг йирик ТМК деб АҚШнинг JP Morgan Chase банки тан олинган. Кучли бешталикга шунингдек АҚШнинг General Electric ва Exxon Mobil корхоналари ва Bank of America ҳамда Хитойнинг ICBC банки кирган.

1998 йилда ТМКларнинг хорижий филиаллари орқали сотув ҳажми 13,6 трлн АҚШ доллари деб баҳоланган, дунё товарлар ва хизматлар экспорти эса 6,9 трлн доллар. ЮНКТАД маълумотларига кўра, ТМКларнинг халқаро савдодаги улуши 2/3 қисмини ташкил этади, шундан 1/3 қисми фирма ички савдосига тўғри келади. ТМКлар БХИ шаклидаги капитал чиқарувчи асосий субъект бўлиб ҳисобланадилар, 1998 йилга келиб ТМКларнинг дунё миқёсида жамғарилган инвестициялари ҳажми 4,8трлн АҚШ долларига етган. (1980 йили 500 млрд, 1985 йили 700 млрд, 1990 - 1,7 трлн. долл, 1995 — 2,8, ва 1998 йили — 4,8 трлн. долл). ТМКлар замонавий технологияларни яратувчи асосий корхоналар бўлиб ҳисобланадилар. Уларнинг улушига дунё илмий тадқиқотларига ажратиладиган ҳаражатларнинг 90% келади. Бу суммадан 90% 7та асосий тараққий этган мамлакатга, уларнинг ичида фақатгина АҚШни ўзига 40% тўғри келади.

ТМКлар инновацион фаолиятининг бошқа бир кўрсаткичи бўлиб патентлар, роялти ва лицензиялар учун тўловлар ўтказмаси бўлиб ҳисобланади. Бу тўловлар суммаси тараққий этган давлатларда БХИ ҳажмига нисбатан 80–йилларнинг ўрталаридан бошлаб тезроқ ўсиб борган. Ривожланган давлатларга дунё миқёсида 1997 йилда 88% тўловлар ва 98% роялти ва лицензия тўловлари тўғри келган. Бунда, фирма ички тўловларининг улуши пул ўтказмаларида 80%дан ошган.

Таркибига кўра, биринчи катта юзталик ТМКлар рўйхати 1990 йилларнинг бошидан ўзгармасдан келмоқда. Жойлашув мамлакатига кўра ўзгариш барқарор қолмоқда, яъни 1990 йилдан бери 85-87% ТМКлар катта учлик давлатларига (АҚШ, Япония, ЕИ) тўғри келмоқда. 1997 йилга келиб эса — 89% етган.

ТМКларнинг рақобат устунлиги

ТМКлар ўзларининг рақобат стратегияларини фирманинг рақобат устунлигига асослайдилар. Фирманинг рақобат устунлигини 2та асосий тури мавжуд: анча паст харажатлар ва товар дифференциацияси. Транснационал корпорациялар фирмани ўзига хос бўлган рақобат устунликларига кўра миллий ва халқаро бозорларда муваффақиятли рақобатлашадилар. Қуйида келтирилган жадвалда ТМКлар томонидан рақобат устунликларини олиш йўллари кўрсатиб берилган. Биринчи гуруҳдаги рақобат устунликлари маҳаллий фирмалар томонидан ҳам ишлатилади, иккинчи гуруҳдагилари эса халқаро микёсда фаолият юргизадиганларида қўлланилади.

Замонавий ТМКлар рақобат устунликларидан фойдаланиш учун рақобат стратегияларни шакллантирадилар, бу эса раҳбариятдан бирон-бир рақобат устунлигини қўллаш мақсадга мувофиқлиги хақида қарор қабул қилишни талаб этади. Бу жараёнда фирма рақобат устунлигини қўллашдан келадиган фойда ва зарарни таққослаб кўриши лозим ва бунинг учун “яратиш ёки сотиб олиш” деб номланувчи дилемммани хал қилишлари керак бўлади.

ТМКларнинг рақобат стратегиялари. Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг халқаро интеграциялашувида сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Уларнинг асосида эса ТМКларнинг стратегиясидаги ўзгаришлар ётибди.

Алоҳида (Stand alone) фирма. Ўтмишда бош компания билан унинг филиаллари ўртасида функциялар аниқ чегаралаб қўйилган. Хорижий филиаллар (хомашё тармоғини ҳисобга олмаганда), қоидага кўра алоҳида фирма стратегиясини қўллаганлар «stand alone». Бу стратегия қўлланилганда филиал бош компаниянинг қиймат занжирини тўлалигича кўчириб олган ва қўллаган. (технология ва молиядан ташқари, чунки уларни бош фирма берган).

Оддий интеграция стратегияси. Босқичма – босқич эркинлашув ва технологик процесс халқаро ишлаб чиқариш усулларини амалга оширишни ўзгартирди, стандарт маҳсулот бўйича рақобатбардошлик, истеъмол усулларини конвергенциялашуви, транспорт харажатларини қисқариши корпоратив стратегияларнинг жуғрофий рамакисини кенгайтирганлар. Йирик компанияларга

автомобилсозлик, аэрокосмик, электроника каби тармоқларда микёс самарасини дунё бўйича паст нарх билан етказиб берувчи таъминотчилар тармоғи билан бирга қўллашга имкон беради. Бу эса “оддий ингерация” деб аталувчи стратегияни қўллашга олиб келган. Бу стратегияда филиаллар (бош компаниядан олинган технология асосида) чекланган турдаги операциялар турини бажарадилар. Бош компанияга компонентларни етказиб берадилар. Бундай стратегиялар трансчегаравий алоқаларнинг янги шаклларини келтириб чиқардилар ва катта миқдорда бош компания билан филиаллар ўртасида икки ёклама ахборот, технология ва бошқа активлар алмашувини йўлга қўйишга имкон яратади.

Комплекс интеграцион стратегия. Халқаро бизнес муҳитини эркинлашуви натижасида ахборот алмашувини кенгайтириши ва глобал рақобатни кескинлашуви туфайли ТМҚлар ўзларининг активларини бошқариш усулларини халқаро микёсда такомиллаштира бошладилар. Аниқроғи, «комплекс интеграцион стратегия» таркибий қисми сифатида ТМҚлар ўзларининг жугрофий нуқтаи-назардан дунё ҳудудларида сочиб юборилган бўлинмаларини ва бўлақларга ажратилган ишлаб чиқариш бўлинмаларини ишлаб чиқариш ва сотувнинг глобал ёки минтақавий микёсда интеграциялашган ягона тармоқ шаклига келтирмоқдалар.

Глобал бозорлар ва инновациялар таъсири остида янги корпоратив стратегиялар вужудга келмоқда. Бир томондан, ишлаб чиқариш харажатларига ўта кучли эътибор бериш ўрнига сифат, дизайн, сотув олди ва кейинги сервис каби муносабатлар билан товарни дифференциациялаш келди. Бир қатор тармоқларда корхоналарнинг кучайган корпоратив устунликлари ва бозордаги ҳатти – ҳаракати ўрнига тўхтовсиз инновация ва корпорациялар ўртасидаги янги активларни қидириб топиш, бозорга кириш ва рискларни бўлиш борасидаги келишувлар келди. Инновацион устунликлар қидируви ўзининг микёсига кўра глобал тус олмоқда ва кўплаб тармоқларни камраб олмоқда. Бундай вазиятда фирмалар ўзларининг ахборот базаларини такомиллаштиришга мажбур бўлмоқдалар. Кенг қамровли коммункация тармоқларини яратмоқдалар, бутун қиймат занжири бўйича ихтисослашган ва қўшимча билимларни бирлаштириш эвазига синергетик эффектга эришмоқдалар.

Натижада фирма иерархик тузилма эмас, катта тармоқ сифатида

кўзга ташланади. Бу тармоқ муносабатлари эса фирма ички ва ташқи муносабатларида комплекс интеграл стратегиянинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва интернационализациялашган ва экстернациялашган фаолиятнинг аралашмасини вужудга келтиради. У эса бошқарувни самарали координация қилиш учун горизонтал алоқаларни талаб қилади.

Шундай қилиб, бугунги кунда корпоратив стратегиянинг янги ва энг зўр шакли бўлиб комплекс интеграция стратегияси ҳисобланади. Ушбу стратегияга бўйсунадиган фирмалар ягона ишлаб чиқариш бирлашмалари агломерати бўлиб ҳисобланмайдилар. Уларда корпорациянинг ҳамма индивидуал бўлинмалари ва филиаллари бутун корпоратив тизимни ташкил этувчи ягона стратегияга бирлаштирилган.

Хулоса

Ушбу мавзу юзасидан хулоса қиладиган бўлсам транс миллий корпоратцияларни фақат фойда топиш учун мўлжалланган робот ёки машинага охшатмоқчиман. Ушбу машина фойда кориш учун дунёнинг исталган мамлакатига кириб боради ва тезда рақобатга киришиб кетади. Бундай корпоратциялар фойда кўриш учун шиддат билан ҳаракат қилади. Жуда кўп транс миллий корпоратцияларнинг номи дунёга машхур, уларнинг номини билмасдан иложи ёқ.

Транс миллий корпоратцияларнинг жаҳон иқтисодиётидаги орни ҳақида гапирадиган бўлсам, иқтисодиётнинг этакчи тармоқларида сезиларни ўрин ва аҳамиятга эга. ТМКлар ҳиссасига тўғри инвестицияларнинг 90 фоизи, янги техникага патент ва лицензияларнинг 80 фоизи, ташқи савдо айланмасининг 63 фоизи ва жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг тахминан 40–50 фоизи тўғри келади. Ушбу кўрсаткичлар жуда катта кўрсаткичлардир. Транс миллий корпорациялар фаолияти бир нечта мамлакатлар миқёсида олиб борилиши ҳаммамизга ма'лум, корпорация ички бозорга тез мослашади ва тез орада ўз мижозларига эга бўлади. Ички бозорни эгаллаш учун рақобатнинг икки усулидан фойдаланишади анча паст ҳаражатлар ва товар дифференциацияси. Транс миллий корпорациялар фирмани ўзига хос бўлган рақобат устунликларига кўра миллий ва халқаро бозорларда муваффақиятли рақобатлашадилар.